“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти Нуробод банк хизматлари офисида ўтказилган давро суҳбати №6

«Тасдиқлайман»
“Ўзмиллийбанк” АЖ
Нуробод банк хизматлари
Офиси мудири
Ю.З.Тажиев

Нуробод шаҳри **2026 йил 24 Апрел**

Мажлис Раиси: “O‘zmilliybank” AJ Axborot va Bank Xavfsizligi Departamenti Direktori SH.N.Muhamadqulov

Қатнашдилар: “Ўзмиллийбанк” АЖ Нуробод банк хизматлари маркази бошқарувчиси Ю.З.Нуробод. Нуробод банк хизматлари офисининг барча ходимлари.

Кун тартибидаги масалалар:

1. “Ўзмиллийбанк” АЖ тасарруфидаги БХМ ва БХО ларда ходимлар томонидан содир этилган ҳуқукбузарлик ҳолатлари ва уларни олдини олишга қаратилган чора тадбирлар тўғрисида ва “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти раҳбарлигида “ЗООМ”орқали бўлиб утган йиғилиш муҳокамаси.
2. Ўзбекистон Республикасининг **“Коррупсияга қарши курашиш тўғрисида”**ги Қонуни, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ҳамда“Ўзмиллийбанк” АЖнинг Коррупсияга қарши курашиш Сиёсати ва Корпоратив этика кодекси талаблари.
3. Коррупсияга қарши курашиш йўналишида “Ўзмиллийбанк” АЖ ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупсияга нисбатан муросасиз муносабатни шаклантириш бўйича ҳуқуқий-тарғибот ва профилактик чора-тадбирлар режасига асосан “Ўзмиллийбанк АЖ нинг 2020 йил 10 августдаги №126- сонли ва 2022 йил 31 январдаги №168-47 хатларга асосан тотализатор, қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этмаслик, тақиқланган ўйинларни ўйнамаслик учун олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида.
4. БХО ходимлари томонидан одоб ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳамда ўз лавозим вазифаларини белгиланган тартиб ва йўриқномалар қатъий амал қилган ҳолда бажариш ва юзасидан.

(Ю.З.Тажиев, Ш.Х.Шадиярова,)

Йиғилишни “Ўзмиллийбанк” АЖ Нуробод банк хизматлари офиси Ю.З.Тажиев очиб, “Ўзмиллийбанк” АЖ Ахборот ва Банк Хавфсизлиги Департаменти Директори Ш.Мухамадкулов томонидан утказилган йиғилишда баён этилган масалалар бўйича тўхталиб утди.

Хусусан жорий йилнинг март ва апрел ойларида “Ўзмиллийбанк”АЖнинг Наманган, Андижон, Сурхандарё вилоятлари Бош бошқармаларида, бундан ташқари “Ўзмиллийбанк”АЖнинг Фарғона вилояти Марғилон БХОда фаолият олиб бораётган бир нечта банк ходимлар томонидан ўз манфаатларини кўзлаб, ноқонуний йўллар билан даромад орттириш мақсадида олди-сотти ишларига аралашиш, банкоматлардаги ва банк кассаларидаги нақд пул маблағларини ўзлаштириш натижада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қўлга олинганлиги ва ҳозирда ушбу банк ходимларини устидан тергов жараёнлари олиб борилаётганлиги тўғрисидаги маълум қилди ва бу ҳолат “Ўзмиллийбанк” АЖ раҳбариятнинг жиддий этирозларига сабаб бўлганлиги, бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик ва кескин олдини олиш юзасидан қўшимча вазифалар берилгани ҳақида гаприб ўтди.

Жумладан, банк тизимда соғлом муҳитни таъминлаш, ходимлар орасида порахўрлик ва таъмагирликни олдини олиш, келгусида бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик ҳамда бу борада амалга оширилаётгат ишларни кескин жонлантириш тўғрисида бир қатор топшириқлар берилганлигини маълум қилган ҳолда кун тартиби юзасидан қуйидагиларга тўхтаб, хусусан, Коррупсиявий хавф-хатарлар, унга сабаб бўлувчи омилларга оид маълумотлар билан доимий равишда танишиб бориш, лавозим йўриқномасида белгиланган вазифаларни масъулият билан ижро этиш тўғрисида алоҳида кўрсатмалар берган ҳолда, амалга оширилаётган фиссал вазифаларда Банк ходимларига алоқадорлик даражаси тўлақонли текширув ва таҳлиллар қилиш, ходимлар томонидан юқоридаги каби ҳолатларга йўл қўйилган тақдирда кескин чоралар кўрилиш тўғрисида огоҳлантиришлар ва тегишли кўрсатмалар берилди. Банкда коррупсияга қарши муросасизлик муҳитини яратиш учун коррупсиянинг нопок иллат эканлиги, бу қилмишнинг оқибатлари нималарга олиб келиши, қонунчиликда қандай жазолар белгиланганлиги бундан ташқари банкда коррупсияга дуч келганда қайси ишонч рақамларга ва ижтимоий сайтлардаги сайтларимизга хабар бериши кераклиги тўғрисида кўргазмали маълумотларимиз борлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Коррупсияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг коррупсиянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши банкларда коррупсия, непотизм, ўз ишига масъулиятсизлик сабаб жуда кўп коррупсион ҳолат келиб чиқаётганлигини, банкларда муаммоли кредитлар салмоғи ошиб кетаётганлигини, банкларда иқтисодий муаммолар вужудга келаётганлини, бунинг туб замирида коррупсия омили борлигини айтиб ўтди. Жумладан, доимий равишда коррупсиявий хатти-ҳаракатларга оид маълумотларни аниқлашини ҳамда банк ходимларига алоқадорлик даражаси нуқтаи-назаридан дастлабки текширув ва таҳлилни амалга оширишда, “Ўзмиллийбанк” АЖ Бош офис ва Бош бошқармаларнинг айрим нопок ходимлари томонидан ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда пул маблағларини қонунга хилоф равишда коррупсиявий хатти-ҳаракатларини содир этилаётганлигини маълум қилиб, “Ўзмиллийбанк” АЖ Андижон Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муаммоли кредитларни ундириш ва юридик мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи томонидан ҳали банк балансига олинмаган суд жараёнида бўлган ўзганинг мулкини ҳақиқий

қийматидан анча арзон қийматда ўзга бир шахснинг номига ўтказиб беришни вада қилиб, буни эъвазига 40 000 АҚШ доллари олаётган вақтда ҳуқуқни мухофаза қилиш органлари томонидан қўлга олинганлигини айтиб ўтди.

Ҳозирда айрим ходимлар томонидан белгиланган банк ички тартиб қоидаларига риоя этмаслик, ўз лавозим йўриқномасида белгиланган мажбурият ва вазифаларга совуққонлик билан ёндашиш оқибатида банкка моддий зарар этказилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида банкнинг нуфузига ҳам ўз таъсирини кўрсатишини айтиб ўтди. Хусусан жорий йилнинг март ойида "Ўзмиллийбанк" АЖ Сурхондарё Бош бошқармаси тасарруфидаги Термиз амалиёт БХМнинг ҳисоб китоб ва бизнесни техник қўллаб қувватлаш шўбаси мудири томонидан ноқонуний равишда банкоматларга қўйилган маблағларни ўзлаштириш ҳолати содир этилди. "Ўзмиллийбанк" АЖ Бошқарувининг 2024 йил 04-январдаги 673-сон билан рўйхатга олинган "Ўзмиллийбанк" АЖ тизимида банкоматларга техник хизмат кўрсатиш, уларни нақд пул билан таъминлаш ва автоматлаштирилган шаклда валюта айирбошлаш амалиётларини амалга ошириш тартибининг 5-бандида Банкоматларни нақд пул билан таъминлаш ҳамда банкоматдаги нақд пулларни банк бўлинмаси касса амалиётига топшириш тартиби келтириб ўтилган. Тартибга асосан банкоматга нақд пул қўйишда банкоматнинг ташқи калити ҳисоб китоб ва бизнесни техник қўллаб қувватлаш шўбаси мудирида, банкоматнинг сейф калити кассирда бўлиши лозимлиги, банкоматдан олинган нақд пулларнинг қолдиғини касса мудирига топширилиши бўйича бириктирилган касса ходими жавобгарлиги келтириб ўтилган. Касса ходимларининг ўз ишига лоқайдлиги ва масулиятсизлиги ва бухгалтерияда маъсул ходимнинг ишда йўқлигидан фойдаланган шўба мудири томонидан мазкур ҳолат содир этилишига сабаб бўлди. Мазкур ҳолатлар содир этилганлиги ачинарли эканлигини, улар ўзининг ва яқинларининг келажагини ўйламасдан, нопок ишларга қўл урганлигини маълум қилиб, ҳар бир ходим ўзининг лавозим мажбуриятларини амалга ошириш давомида ўрнатилган ички тартиб қоидаларга қатъий амал қилиш лозимлиги, бундан ташқари, ходимлар орасида соғлом муҳитни яратиш, ходимларнинг шахсий хавфсизлигига ҳамда Банк шаъни ва имиджига доғ туширмаслик, банкнинг "Одоб-ахлоқ" талабларига мувофиқ бо'лишлари, касб одобига риоя этишлари, уларнинг ташқи кўринишлари белгиланган стандарт талабларга мувофиқ бўлиши лозимлигини маълум қилган ҳолда, барча бўлим раҳбарларига талабчанликни ошириш лозимлигини маълум қилди.

Ўзмиллийбанк ходимлари томонидан ноқонуний операциялар бажарилиши, банк ва мижозларнинг маблағларини ўзлаштириш хатарини олдини олиш ҳамда "Ўзмиллийбанк АЖ нинг 2020 йил 10 августдаги № 126-сонли ва 2022 йил 31 январдаги №168-47 хатларга асосан "Ўзмиллийбанк" АЖ банк ходимларига тотализатор ва азарт ўйинлар ўйнашни тақиқлаш тўғрисида" ги буйруғга асосан Ўзмиллийбанк ходимларининг "1хбет", "ПокерСтарс" ва бошқа онлайн тотализатор ҳамда азарт ўйинларни ўйнаш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари иш берувчи томонидан ходимга нисбатан ишончнинг йўқолиши учун асос ҳамда банк ходими иш этикаси ва ишдаги одоб-аҳлоқ тамойилларига зид деб ҳисобланиши; Ўзмиллийбанк ходимлари томонидан "1хбет", "ПокерСтарс" ва бошқа онлайн тотализатор ҳамда азарт ўйинлар ўйналиши Ўзмиллийбанк Ички меҳнат тартиби

қоидаларини бир марта бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиб, ҳисобланиши келтириб ўтилган. Жорий йилнинг 13 апрел санасида "Ўзмиллийбанк" АЖ Фарғона бош бошқармасига қарашли Марғилон БХОнинг валюта айирбошлаш ва касса амалиётлари шўбаси кассири О.Абдураимов томонидан банк кассасидан жами 274 000 000 сўмни ўғирлаб, интернет тармоғидаги **Линебет** тотализатор ўйинига тикиб юборганлиги маълум бўлди. Юқорида номлари келтирилган ва шу каби тотализатор ўйинларига ўйнамаслик бўйича ҳар бир ишга янги қабул қилинаётган ходимларга, бундан ташқари ҳар бир ходимларга доимий тушинтириш ишлари олиб борилиши лозимлиги ҳақида айтиб ўтилди.

Ш.Мухамадкулов ўз сўзини давомида банкнинг айрим ходимлари ички йўриқнома талабларига риоя этмасдан мижозларнинг кредит қарздорлигини сўндириш мақсадида, улардан нақд пул олиш ёки маблағларини ўз пластик карталарига ўтказиш йўли орқали воситачилик қилиш ва олинган маблағларни эса банкка ўз вақтида топширмасликлари, банк ходимлари ўз лавозимини суистемол қилган холда мижознинг мансабдор шахслари билан тил бириктириб кредит маблағларини ўзлаштириш, мониторингини (дастлабки,жорий) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид равишда юзаки ўтказиш, мулкни тўлиқ хатловдан ўтказмаслик (нархи, ҳолати, жойи), гаровга олинаётган мулкларни бозор нархида баҳоланмаслиги ва унинг оқибатида ноликвид активга айланиши, мижозларнинг ҳабарисиз уларнинг номларига кредит расмийлаштирилиб, ажратилган пул маблағларини талон-тарож қилинаётганлигини айтиб ўтди.

Банк Хавфсизлиги Департаменти Директори Ш.Муҳамадқулов барча ходимлар юқори кайфиятда иш олиб бориш кераклигини ҳамда кредит бўлими ходимлари ва валюта-айирбошлаш ва касса амалиётлари шўбаси ходимлари, ҳамда банкнинг барча ходимларининг масъулиятлатларини ошириши кераклигини тушунтириб, коррупсияга қарши курашиш бўйича кўрсатмалар бериб, огоҳликка чақирди ва йиғилишни якунлади.

Йиғилиш сўнггида Нуробод банк хизматлари маркази бошқарувчиси Ю.З.Тажиев" Ўзмиллийбанк" АЖ раҳбарияти томонидан ходимлар учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги ходимлар томонидан коррупсия, тамагирликка йўл қўймасдан яхши иш ташкил этишлари тўғрисида кўрсатмалар бериб ўтди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Ўзмиллийбанк" АЖ Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти директори Ш.Н.Мухамадкулов ўтказилган йиғилишда берилган кўрсатмалари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Банк хизматлари маркази бошқарувчи ўринбосарлари томонидан барча ходимларининг ўз лавозим мажбуриятларини виждонан ва пок амалга оширишлари, коррупсиявий ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш мақсадида ҳуқуқий саводхонлигини ривожлантириш бўйича тарғибот ишлари амалга оширилсин.

3. Банк ходимлари мижозлар билан муносабатларда коррупсиявий ҳолатларнинг келиб, чиқишини олдини олиш, ҳамда ҳар бир бундай ҳолатлар, офиснинг барча ходимларининг коррупсиявий қарши курашиш бўйича "Ўзмиллийбанки" АЖ Комплаенс таваккалчилик блоги Коррупцияни олдини олиш бошқармаси Коррупцияни олдини олиш ва мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси Ш.З.Зиятовга ахборот бериш

таъминлансин.

4. Барча ходимлар юқоридаги талабларга риоя этмаган тақдирда, банк ходимларидан олинган кафолат хатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг **161-моддаси талабларига** асосан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноий жавобгарликга тортилиши тўғрисида огоҳлантирилган тўғрисида тушунтирилсин.

5. "Коррупсиявий ҳолатларнинг хар қандай турига йўл қўймаслик, таъмагирлик ва порахўрликка қарши кескин кураш олиб бориш, салбий иллатларга батамом чек қўйиш тўғрисида" давра суҳбати билан банк хизматлари офиснинг барча ходимлари шахсий имзосини қўйган ҳолда таништирилсин.

6.Ушбу йиғилиш қарорида белгиланган топшириқлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Мажлис котиби: **Ш.Х.Шадиярова**

O‘zmilliybanki AJ Nurobod bank xizmatlari ofisining 2026 yil 24 apreldagi №6 sonli yig‘ilish bayonni bilan tanishgan xodimlar
RUYXATI

T/R	F I O	Lavozimi	Imzo
		Rahbariyat	
1	YU.Z.Tajiev	Mudiri	
		Mahallabay ishlash guruhi	
2	A.T.Rajabov	Loyiha menedjeri-mahalla bankiri	
3	I.K.Xusanov	Yetakchi mutaxassis-mahalla bankiri	
		Biznes mijozlarga xizmat ko`rsatish sho`basi	
4	N.B.Abdixakimova	Bosh mutaxassis	
		Chakana xizmat ko`rsatish sho`basi	
5	SH.X.Mardanov	Bosh mutaxassis	
6	S.X.Irgashev	Bosh mutaxassis	
7	O.A.Niyonov	Bosh mutaxassis	
8	I.M.Mirzaeva	Bosh mutaxassis	
9	X.O.G‘affarov	Yetakchi mutaxassis	
10	Sh.X.Shadiyarova	Yetakchi mutaxassis	
		Valyuta-ayirboshlash va kassa amaliyotlari sho‘basi	
11	N.A.Elmuradova	Kassir	
12	Sh.Sh.Bobomurodova	Kassir	
		Kreditlarni dastlabki undiruv bo‘limi	
13	V.S.Ergashev	Yetakchi mutaxassis	
		Muommoli kreditlarni undirish va yuridik muofiqlashtirish bo‘limi	
14	G‘.A.Rustamov	Bosh mutaxassis	